ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Н. А. Ашурметова
Тошкент давлат аграр университети доценти

Б. Б. Сапаров
Тошкент давлат аграр университети доценти

А. Б. Сапаров
Тошкент давлат аграр университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада "макроиқтисодий барқарорлик" тушунчаси очиб берилган ва уни таъминлашнинг асосий кўрсаткичи – иқтисодий ўсиш таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида сўнгги йилларда республикамиз макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш кўрсатгичлари бўйича ижобий натижаларга эришганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: ЯИМ, иқтисодиёт, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш.

ANALYSIS OF MACROECONOMIC STABILITY CRITERIA AND ECONOMIC GROWTH INDICATORS

ABSTRACT

The article reveals the concept of "macroeconomic stability" and analyzes the main indicator of its provision - economic growth. As a result of the analysis, it was revealed that in the republic in recent years, economic growth has been in the range of 5-6%, which is a good prerequisite for ensuring macroeconomic stability.


Keywords: GDP, economy, macroeconomic stability, economic growth.

КИРИШ

Макроиқтисодий барқарорлаштиришнинг назарий жиҳатларини мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида ўрганиш мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлига киришининг энг муҳим ва зарур шарти эканлиги билан долзарбдир. Айниқса, бугунги кунда жаҳонда юзага

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

келган мураккаб иқтисодий вазият давлатларнинг макроиқтисодий воситалар орқали иқтисодиётини барқарорлаштириш, унинг иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, инфляцияни чеклаш ва тўлиқ иш билан таъминлашга қаратилган ҳаракатларини кучайтирмоқда. Шу сабабли макроиқтисодий барқарорлик моҳиятини ўрганиш, уни таъминлаш мезонларини аниқлаш ва уларнинг барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Одатда халқаро экспертлар томонидан мамлакат миқёсида макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади: иқтисодий ўсиш, тўла бандлик, ички нархларнинг барқарорлиги, миллий валютанинг барқарорлиги, барқарор тўлов баланси, бақувват давлат бюджети, мамлакат аҳолиси орасида даромадларнинг одил тақсимланиш даражаси (1-расм).



1– расм. Макроиқтисодий барқарорликнинг асосий мезонлари

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабаб, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва барча бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли - бу милий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ.

Б.Беркинов ва Ф.Маматоваларнинг "Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари" номли илмий-оммабоп рисоласига кўра "Макроиқтисодий барқарорлик мамлакат иқтисодий ўсишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик инфляциянинг паст даражада

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

бўлган ва реал алмашув курси рақобатлаша оладиган даражада бир маромда бўлган ҳолатни англатади" [4]. Бу илмий ишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш воситалари (фискал ва монетар сиёсат дастаклари) мавжудлиги ҳам таъкидлаб ўтилади.

Умуман олганда, иқтисодиёт назариясида макроиқтисодий барқарорлик тушунчасига берилган турли таъриф ва ёндашувлар, уларнинг моҳиятини англаган ҳолда макроиқтисодий барқарорликка қуйидагича таъриф бериш мумкин - миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилган, инфляция суръати жиловланган, миллий валюта девальвация даражасининг узоқ муддатли паст суръатларига ва тўлов баланси барқарорлигига эришилган, давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги ижобий даражасида бўлиши таъминланган, ташқи таъсирларга барқарор тура олиш қобилиятига эга бўлган ҳолатидир. Демак, макроиқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар кўп. Биз ўз таҳлилимизда асосий кўрсаткич ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кўрсаткичлари билан танишишни лозим деб топдик.


Статистик маълумотлар таҳлили асосида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишини 3 та босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич ЯИМни пасайиш даври бўлиб, у 1991–1995 йилларга тўғри келади. Ушбу даврда ЯИМ йилига ўртача 0,96 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги дастлабки иқтисодий ўсиш 1996 йилда кузатилди ва у 1995 йилга нисбатан 1,7 фоизни ташкил қилган. Кейинги йилларда (1997–2003 й.й.) иқтисодий ривожланишнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 4,3 фоизга тенг бўлган. Ушбу даврни иқтисодий ўсишни юқори суръатларига ўтиш йиллари деб эътироф этиш мумкин. Ўзбекистонда нисбатан юқори иқтисодий ривожланиш 2004 йилда кузатилди. Шу йили ЯИМ ўсиш суръати 7,4 фоизга тенг бўлди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланиш арафасида (2007 й.) Ўзбекистонда энг юқори иқтисодий ўсиш суръати қайд этилди (9,5 фоиз). Кейинги 2008 йилда ЯИМ ўсиши 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 ва 2011 йилларда 8,5 ва 8,3 фоизни ташкил этиб, 2004-2011 йилларда иқтисодий ўсишнинг ўртача кўрсаткичи 8,1% га тенг бўлган. [3]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР


Оҳирги йилларда (2012-2019 й.й.) иқтисодий ривожланишнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 6,9 фоизга тенг бўлган (2 – расм). Шу жумладан, 2012 йилда ЯИМ ўсиш суръати 2011 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандига камайиб, 8,2

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

фоизни, 2013 ва 2014 йилларда – 8 %ни, 2015 ва 2016 йилларда - 7,9 ва 7,8 % фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. 2017 йилдаги иқтисодий ўсиш суръатининг 4,5 фоизга тушиб кетганлигини 2 асосий омил: биринчидан, девальвация ва миллий валютани эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсат инфляция суръатларининг тезлашишига олиб келиб, товарлар ва хизматлар нархларининг умумий ўсишига таъсир этганлиги, иккинчидан Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби”дан [2] воз кечганимиз билан изоҳлашимиз мумкин. Шуни ҳам қайд этиш керакки, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай ривожланиш суръатлари дунё мамлакатларига таққослаганда анча юқори ҳисобланади (3 – расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 1991-2019 йилларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, %да




3-расм. 2012-2019 йилларда Ўзбекистон ҳамда жаҳон ЯИМнинг ўсиш суръатлари, %да

Макроиқтисодий барқарорликни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотдир. Аҳоли жон бошига ЯИМ, асосан, иқтисодий фаоллик ва турмуш даражасини акс эттиради ва жорий нархлардаги ЯИМ умумий ҳажмини мамлакатнинг маълум бир даврдаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

ўртача аҳолиси сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Мамлакатимизда аҳоли сонининг муттасил кўпайишига қарамасдан, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ўсиб бориш суръатлари сақланиб қолинмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 2012 йилда 29555,4 минг кишини ташкил этиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 4038,4 минг сўмга тенг бўлган. 2019 йил якунларига кўра аҳоли жон бошига ЯИМ 15 миллион 242 минг сўмни (1724 АҚШ доллар эквивалентида) ташкил этган, бу 2012 йилга нисбатан 3,8 баробар ёки 277,4 фоизга кўп демакдир (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикасида 2012-2019 йилларда аҳоли сони ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўзгариши динамикаси

Мамлакатда ЯИМ ҳажмининг тез суръатлар билан ўсиши, биринчи навбатда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ривожланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Республикада 2012–2019 йилларда саноат соҳасида қўшилган қиймат 2012 йилда 20 462,7 млрд. сўмдан 2019 йилда 136 103,2 млрд. сўмга кўпайган, яъни 6,7 баробар ошган. 1 - жадвалда кўриниб турганидек, миллий иқтисодиётимизнинг барча асосий соҳаларида ижобий ютуқларга эришиб, таҳлил қилинган даврда бу соҳаларда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётганлигини кузатамиз. Жумладан, қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги - 130 306,9 млрд. сўмни, қурилиш соҳаси - 30 595,4 млрд. сўмни, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 32 501,7 млрд. сўмни, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 36 630,4 млрд. сўмни, бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш - 98 716,9 млрд. сўмни ташкил қилган ушбу соҳаларнинг қўшилган қиймати ЯИМ ўсишига ижобий ҳисса қўшган (1-жадвал). Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўтган йилга нисбатан фоизда ҳисоблаганда, юқори ўсиш суръатлари қурилиш соҳасига тўғри келиб, 122,9 %ни ташкил қилган (2-жадвал).

Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган COVID-19 коронавирус пандемиясининг тез тарқалиши барча мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Коронавирус пандемияси натижасида бугун жаҳон иқтисодиётининг барча реал тармоқларида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик кузатилмоқда. Шунга қарамай, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди”. [1] 2020-йил якуни бўйича, ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 341 467,5 млрд сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 194 363,5 млрд сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса - 44 372,2 млрд сўмни ташкил этди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2012-2019 йилларда иқтисодиётнинг асосий соҳалари ривожланиши динамикаси

	2012 й.	**2013 й.**	**2014 й.**	**2015 й.**	**2016 й.**	**2017 й.**	**2018 й.**	**2019 й.**
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), жорий нархларда, млрд. сўм	**120 242,0**	**144 548,3**	**177 153,9**	**210 183,1**	**242 495,5**	**302 536,8**	**406 648,5**	**510 117,2**
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	105 925,2	128 619,9	158 773,5	190 036,2	220 064,0	267 744,8	361 072,7	464 854,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	36 954,6	42 636,8	53 613,2	64 680,3	74 779,0	90 983,9	113 660,7	130 306,9
Саноат	20 462,7	25 388,7	32 136,7	38 466,6	45 397,9	59 570,4	95 803,9	136 103,2
Қурилиш	5 601,4	7 258,2	9 098,2	11 382,6	13 148,0	15 228,6	22 101,1	30 595,4
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8 956,2	11 217,9	13 836,3	16 145,3	18 755,4	21 540,6	26 747,9	32 501,7
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	11 911,0	14 609,1	17 003,8	19 158,2	21 113,0	25 305,5	30 616,0	36 630,4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	22 039,3	27 509,2	33 085,3	40 203,2	46 870,7	55 115,8	72 143,1	98 716,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	14 316,8	15 928,4	18 380,4	20 146,9	22 431,5	34 792,0	45 575,8	45 262,7

2-жадвал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)

	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	107,0	106,4	106,0	106,1	106,2	101,2	100,3	103,1
Саноат	105,7	107,5	104,5	105,3	105,4	105,2	110,8	105,0
Қурилиш	114,5	118,4	117,6	118,8	107,2	106,0	114,3	122,9
Хизматлар	108,7	107,5	108,3	108,3	106,3	106,4	105,5	106,3
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	107,3	113,8	110,5	111,3	109,3	102,1	105,4	107,2
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	111,1	103,4	106,9	106,1	105,5	111,3	106,9	106,6
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	107,9	107,2	108,2	108,2	105,5	105,9	104,8	105,8

Пандемиянинг республика иқтисодиётига таъсири қуйидаги кўрсаткичларда кўпроқ сезилди. 2020 йилда ЯИМ ўсиши 2019 йилдаги 5,8 % ва 2018 йилдаги 5,4 % га нисбатан 1,6 % гача секинлашди. Шунингдек, 2020 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 2019 йил билан таққослаганда реал баҳоларда 0,3 % га камайди. ЯИМ (ялпи қўшилган қиймат) таркибида саноатнинг улуши 29,3 % дан 28,5 % га камайди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 28,0 % дан 28,2 % га, қурилиш тармоғининг улуши 6,6 % дан 7,0 % га ҳамда хизматлар соҳасининг улуши 36,1 % дан 36,3 % га ошди.

ХУЛОСА

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда пандемия шароитида вужудга келган умумий муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди ва пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16та ҳужжат қабул қилинди. Булар мамлакатимизда инфляцияни жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини янада оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва уни диверсификациялаш борасидаги чора-тадбирлар,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00222

макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун хизмат қилмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 30 декабр, № 276 (7778).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси (2017 йил 14 январь).
3. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. -Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.
4. Беркинов Б.Б., Маматова Ф.Х. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш йўллари.-ТДИУ,2011
5. https://stat.uz